O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 19 декабрь, № 246 (4145) Сешанба

Мухрли воқеа

Гап шу йил 21 октябрдан 9 ноябрга қадар пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган «Uzbekistan Agrominitech Expo-2006» кўргазма-савдоси ҳақида бораётганини газетхонлар сезиб турибди, албатта. Ушбу тадбир кутилганидан зиёда ўтганини ҳам улар яхши биладилар. Бу нимани англатади?

Кўргазма кимга нима берди?

Мухбирларимиз шу саволга жавоб излашди

Бу, сўзнинг индаллосини айтганда, Президентимизнинг 2006 йил 24 августдаги «Қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосида иштирок этишни таъминлаш тўғрисида»ги Қарори талаблари ижросининг самарасидир.

Шу ўринда табиий савол туғилади: республикамизнинг барча минтақаларида фаолият юритаётган фермерлар ва хусусий тадбиркорлар томонидан катта қизиқиш ва манфаатдорлик билан кутиб олинган мазкур муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишига қандай ҳаётий зарурат сабаб бўлди?

Мана бу биргина мисол бунга мантиқли жавоб бўла олади, деб ўйлаймиз.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: мини технологиялар ва ихчам ускуналар сотиладиган доимий фаолият юритувчи кўргазма-савдо ўз ишини давом эттирмоқда. Бу эса фермерлар ва тадбиркорларимизга келгусида ҳам мини технологиялар ҳамда ихчам ускуналарни харид қилиш учун қулай имкониятлар яратиб беради.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Парламентнинг юқори палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш: халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатлари" мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди. Бунда аввало асоссиз жиноий таъқибдан ҳимояланиш ҳуқуқини ва суднинг суриштирувни адолатли олиб боришига бўлган ҳуқуқни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида судларнинг жиноий ишлар ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослашуви мустаҳкамлаб қўйилди, иш кўришнинг апелляция тартиби жорий этилди, суд жараёнида ҳимоя ва айблов томонларининг ҳуқуқлари тенглигини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди, шунингдек дастлабки суриштирув муддатлари ва айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилди. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармони билан белгилаб қўйилди. Мазкур масалаларни муҳокама қилиш давра суҳбатининг асосий мақсади бўлди.

Давра суҳбатини ўтказиш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача ўтказиладиган суриштирув босқичида суднинг фуқаролар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини, шу жумладан қамоққа олишга санкция бериш ваколатларини кенгайтиришдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш чоғида давра суҳбати иштирокчилари қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказиш билан боғлиқ масалаларни изчил ва чуқур ишлаб чиқиш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Муҳокама давомида давра суҳбати иштирокчилари чет эл тажрибасини ўрганиш, судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи амалга оширилишининг ташкилий-ҳуқуқий ва процессуал механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тегишлича қайта тайёрлаш масалалари юзасидан фикр алмашдилар ва бир қатор таклифлар билдирдилар.

Давра суҳбати якунлари бўйича унинг иштирокчилари тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

Давра суҳбати ишида сенаторлар, Қонунчилик палатасининг депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон адвокатлар ассоциацияси вакиллари, шунингдек бошқа манфаатдор ташкилот ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Биз ва жаҳон

Украина Савдо-саноат палатасининг кўргазмалар залида ҳар йили ташкил этиладиган 14-«Рождество бозори» аньанавий халқаро кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Киевдаги намойиши

Унда маҳаллий ва бошқа мамлакатларда фаолият кўрсатадиган халқаро компаниялар маҳсулотлари, халқ амалий санъати намуналари, совғабоп буюмлар, миллий таом ҳамда турли хил ичимликлар пештахталардан жой олди.

Тадбирда илк бор иштирок этган Ўзбекистон экспозицияси ўзига хос, миллий услубда безатилди. Унда йиғилганлар эътиборига ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари, шарқона сўзана, ўзбек хонатласи, миллий либослар, ёғоч ҳамда чиннидан ясалган эсдалик буюмлари баробарида мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг ахборот материаллари ҳавола этилди.

Кўргазма доирасида замонавий ўзбек рассомларининг асарлари намойиши ҳамда бугунги Ўзбекистон мавзуига бағишланган фотокўргазма ҳам ташкил этилди.

Тадбирлар иштирокчиларда мамлакатимизга нисбатан бўлган қизиқишни яна ҳам оширди, десак асло муболаға бўлмайди. Украинадаги «Новый мир», «Крым-турбюро», «Пилигримм» сингари сайёҳлик компаниялари ўзбекистонлик ҳамкорлар билан Буюк Ипак йўли бўйидаги тарихий шаҳарларимиз бўйлаб саёҳат ташкил этиш юзасидан алоқа ўрнатишга катта қизиқиш билдирди.

«Жаҳон» АА.
Киев.

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

Қишлоқ инфратузилмасини, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишга ёрдам беради. Тошкент вилояти ҳокимлигида "Ижтимоий ҳимоя йили"га бағишланган "Қишлоқда турмуш маданияти: ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлар" мавзуида бўлиб ўтган анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Анжуман Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги кўмагида "Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан ўтказилди. Унда пойтахт вилояти туман ҳокимликлари, давлат эпидемиология назорати хизматлари, коммунал хўжалик вакиллари, экологлар, меъморлар, жамоат бирлашмалари фаоллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда инсон, унинг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг узвий қисми ҳисобланиши таъкидланди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш – уларни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, чиқиндилар муаммосини ҳал қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Аҳоли сони бўйича республикада учинчи ўринда турадиган Тошкент вилояти бунга яққол мисол бўла олади. Туманларда коммунал хизмат кўрсатиш тизими режали асосда ривожлантирилиб, ҳозирда қишлоқ аҳолисининг 91,9 фоизига сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Қишлоқда турмуш маданияти юксалмоқда.

Шу билан бирга, айрим туманларда сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Масалан, Оҳангарон туманида бу кўрсаткич 75, Бўка туманида 76,7 фоизни ташкил этади. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, ушбу муаммони маҳаллий хўжалик юритувчилар саъй-ҳаракати билан ҳал қилиш мумкин. Мисол учун, Бекобод туманида жорий йил бошида сув таъминоти даражаси 74,2 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир туман аҳолисининг 85,5 фоизи ичимлик сувдан бахраманд бўлмоқда. Тоза ичимлик сувдан оқилона фойдаланиш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Бунга эса сув сарфини ўлчайдиган асбобларни ўрнатиш орқали эришилмоқда. Шундай бўлсада, вилоятда бу ишлар ҳозирча суст амалга оширилмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, бунинг учун аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, унинг санитария-гигиена ва экология маданиятини ошириш зарур.

Анжуманда вилоят ҳокими М.Куччиев иштирок этди.

А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси**нинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги Қонуннинг Сирдарё вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Йиғилишда мазкур қонуннинг ижроси бўйича Сирдарё вилоятида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида асосий эътибор вилоят ҳудудида табиий, техноген ва экологик аҳамиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, фуқаро муҳофазаси учун керак бўладиган воситаларнинг доимий шайлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг бу борадаги тайёргарлигини ошириш масалаларига қаратилган.

Вилоятда амалга оширилган ишлардан қувонса арзийди. Бироқ, музокарага чиққанлар ушбу Қонуннинг ижросига бевосита алоқадор бўлган бир қатор мутасадди ташкилотлар фаолиятини қониқарсиз баҳолашди. Улар таъкидлаганларидек, махсус омборларда сақланаётган ҳамда лаборатория текширув натижаларига кўра яроқсиз, деб топилган аҳоли ҳимоя воситаларини янгилаш ва йиғиш тўғрисида амалий ишлар олиб борилмаган.

Тадбирда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси** томонидан музейлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланган семинари ўтказилди.

Семинарда Президентимиз ташаббуси билан юртимизда музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, нодир осори-атиқаларимизни асраб-авайлаш, бой маънавий меросимизни халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши сингари қадимий шаҳарларимиз юбилейларининг тантанали нишонланиши муносабати билан музейларнинг экспонатлари ва жамғармалари археологик, этнографик, халқ амалий санъатига оид ва бошқа турдаги ноёб топилма ва ашёлар билан янада бойиди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида фаолият юритаётган қарийб юзга яқин музейда салкам бир ярим миллион осориатиқа сақланмоқда. Бу борада, айтиш жоизки, Президентимизнинг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Тадбирда музейлар фаолиятига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

* * *

Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси**нинг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. У Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 22-моддаси 1-бандини ("Ассоциациялар тузиш, жумладан, касаба уюшмалари ташкил этиш эркинлиги ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга кириш ҳуқуқи тўғрисида") Адлия вазирлиги томонидан қандай бажарилиши юзасидан олиб борилган назорат-таҳлил ишларининг якунига бағишланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, юртимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сони кундан-кунга ортиб, уларнинг кўпчилиги мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Ҳозирги кунда адлия органлари томонидан 4589 та нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда 53 та халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхона, филиаллари давлат рўйхатига олинган.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққанлар соҳадаги айрим камчиликларга ҳам тўхталиб, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид аниқ таклиф ва тавсиялар беришди.

Зиёда АШУРОВА.

«Келажак овози — 2006»:

ҒОЛИБЛАР ПОЙТАХТДА БЕЛЛАШИШМОҚДА

Юртимизда истеъдодли, иқтидорли, билимга чанқоқ ёшлар талайгина. Агар ҳар бир йигит-қизга имконият яратиб берилса, у турли жабҳада ўзини намоён қила олади. Ана шундай мақсадларни илгари сурувчи "Келажак овози" танлови иқтидор эгалари сонини яна бир карра кўпайтириш арафасида.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкиллаштирилаётган "Келажак овози" Республика ёшлар танлови, мана, иккинчи йилдирки, мамлакатимизнинг истеъдодли ёшларини аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айни шу кунларда Тошкент шаҳрида танловнинг республика босқичига йўлланма олган ёшлар ўз йўналишлари бўйича беллашишмоқда. Шу муносабат билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида "Келажак овози-2006" танлови республика босқичининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Жорий йилда "Келажак овози" танловига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 мартдаги қарорига биноан Республика даражасидаги мақом берилди. Ўтган вақт мобайнида танловнинг ёшларда катта қизиқиш уйғотганлиги мамлакатимизда буюк келажакнинг бахтиёр авлодлари етишиб чиқаётганлигидан дарак беради.

— "Келажак овози" танловининг 2006 йилги босқичида ўн мингдан ортиқ йигит-қиз иштирок этди, — дейди "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ижрочи директори Баҳодир Шаропов. — Бу ўтган йилги кўрсаткичдан уч баробар кўпдир. Барча олти номинация бўйича Республика босқичига йўл олганлар сони 280 нафарни ташкил этмоқда.

Мазкур танловнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда 15-25 ёш оралиғидаги йигит-қизлар иштирок этиши мумкин. Танлов орқали ёшлар ўзларининг дастлабки ижодий қадамларини янада профессионал даражада ривожлантиришади. Шунингдек, жамият учун фойдали ва қизиқарли бўлган лойиҳаларни амалга оширишда маънавий ва моддий рағбат олишади. Муҳими, санъат, техника ва илм-фан йўналишларидаги ихтиролари, ютуқлари ҳақида кенг оммани хабардор қилиш имконига эга бўлишади.

Барча истеъдод эгаларини бир ҳудудга йиғишнинг ўзига хос сабабларидан бири — рамзий маънодаги "Келажак овози" оромгоҳини тузишдир. Яъни барча ёшлар бир-бирлари билан дўстлашадилар, фикр алмашадилар ва энг муҳими, бу ёшлар бирлашадилар. Шу кунлар мобайнида танлов иштирокчилари пойтахтнинг байрамона тадбирларида иштирок этиш билан бир қаторда, музейлар, кўргазмалар ҳамда концерт дастурларига таклиф этилиши режалаштирилди.

— Республика босқичига йўл олганимдан жуда хурсандман, — дейди "Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар" номинацияси иштирокчиси самарқандлик Феруз Зоҳидов. — Бу босқичда билимимни бойитибгина қолмасдан, янги дўстлар орттирганимдан мамнунман.

"Келажак овози-2006" танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими "Халқлар дўстлиги" саройида жорий йил 21 декабрда бўлиб ўтади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

Халқимизнинг тафаккур хазинаси

Таҳлил ва таққос

ХОРИЖИЙ ПОЙАБЗАЛ НИМАСИ АФЗАЛ?

Ифтихор

ЗАМАХШАРДАН ПОРЛАГАН ЗИЁ

Дунё нигоҳи

Ким Пенг-ЖУ,
«Эл-Жи Интернэшнл» корпорацияси президенти (Корея Республикаси):

— Ўзбекистон Конституцияси жаҳон мамлакатларининг илғор тажрибаси ва энг яхши ғояларини ўзида мужассам этган. Мамлакат Конституциясида ўз аксини топган мақсад ва тамойилларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши, пировардида Ўзбекистонда гуллаб-яшнаган ва демократик жамият қурилишига олиб келади.

Кўргазма кимга нима берди?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳаётий зарурат тақозоси

Қашқадарё воҳасида қишлоқ хўжалиги соҳасида асосан пахта, ғалла, мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари, шунингдек, жун, қоракўл тери, гўшт ва сут тухум етиштирилади. Хусусан, вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ, жорий йилда 386 минг 684 тонна мева-сабзавот ва узум йиғиштириб олиш белгиланган. Бу ўтган йилдаги кўрсаткичдан анча кўпдир.

Бироқ бугунги замонамиз фақат қишлоқ хўжалиги неъматларини эмас, балки ана шу маҳсулотларни хорижий компанияларнинг илғор технология ва ускуналари ёрдамида қайта ишлаш, уни жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада қадоқлаб, экспортга чиқаришни талаб этмоқда. Шу маънода, 2006 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, Қашқадарёда мавжуд корхона ва ташкилотлар томонидан четга бор-йўғи 6563,1 тонна, яъни 2952,4 минг долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари жўнатилганини назарда тутсак, бу борада ҳали анча иш қилиниши ойдинлашади. Устига устак, вилоятда 2011 йилгача боғларни 11 минг гектарга, токзорларни 9,1 минг гектарга, сабзавот экинларини 17,3 минг гектарга, картошка майдонини 4,3 минг гектарга кенгайтириш режалаштирилган.

Шуни ҳисобга олиб, Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари асосида воҳада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишга ихтисослашган 15 та корхона ва 13 та агрофирма ташкил этилди. Китоб туманидаги «Замон», «Дониёр шайх», «Анзур», «Smal» хусусий корхоналари, Шаҳрисабз туманидаги «Шаҳрисабз консерва» очиқ турдаги акциядорлик жамияти, «Муҳаммад Тарағай», «Эко-консерва» хусусий корхоналари, Касби туманидаги «Майманоқ АС-чейс» қўшма корхонаси, Чироқчи туманидаги «Чироқчи консерва» масъулияти чекланган жамияти ва Яккабоғ туманидаги «Агропродукт» қўшма корхонаси шулар сирасига киради. Афсуски, уларнинг қувватлари боғ ва далаларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўндан бир қисмини қайта ишлашга ҳам етмайди.

Фақат шугина эмас. Вилоят ҳокимлигига тушган таклифларга кўра, Косон туманидаги «Наврўз» хусусий корхонаси қошида йилига 36 тонна пишлоқ, Китоб туманидаги «Севаз-Андронекс» масъулияти чекланган жамияти негизида 170 тонна мева шарбати ва консерваси, «Китоб шарбати» масъулияти чекланган жамиятида 200 минг деколитр узум шарбати, Муборак туманидаги «Пристеж» хусусий корхонаси негизида 150 тонна томат пастаси, Нишон туманидаги «Тайёрлов савдо» хусусий корхонасида 100 тонна кунжут ҳолваси ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналарни очиш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, мониторинг натижалари фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва кичик корхоналарга мева-сабзавот маҳсулотлари консервалари, шарбат ва мурабболари, ўсимлик ва махсар ёғларини ишлаб чиқариш, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, деҳқончилик маҳсулотларини қуритиш, узоқ муддат сақлаш ва қадоқлашга ихтисослашган мини технологиялар сув ва ҳаводек зарурлигини ҳам кўрсатаётир.

Шулар ҳақида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Холмурод Солиев билан суҳбатлашганимизда, у бундай деди:

— Кўриниб турибдики, нафақат бизнинг воҳамизда, балки Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий мини технологиялар ва ихчам ускуналарга бўлган эҳтиёжни таъминлаш ҳаётий заруратга айланган эди. Тармоқда кенг кўламли тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратаётган ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов мазкур долзарб масаланинг ечимини ўз вақтида топишда ҳам ташаббус кўрсатди — муҳим Қарор қабул қилди. Ана шу ҳужжат асосида пойтахтда халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдонинг ташкил этилгани эса барча фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва кичик корхоналар раҳбарлари учун айни муддао бўлди. Ахир ўзимга илғор технология оламан деб, уларнинг бегона жойларда сарсон-саргардон бўлганлари ҳеч кимга сир эмас. Бўлиб ўтган тадбир, айтиш мумкинки, ҳамманинг узоғини яқин, мушкулини осон қилди. Гўё дунё Тошкентга келди. Кўргазмада қатнашган вилоятимизнинг 357 нафар вакили томонидан жами 16 миллиард 796,5 миллион сўмлик 702 та ҳужжат, шу жумладан, 392 та шартнома, 108 та келишув баённомаси ва 202 та буюртма имзоланган бунинг яққол тасдиғидир.

«Киройи тадбир бўлди ўзим!»

Қашқадарё вилояти бўйича мухбиримиз Бўри НОРҚОБИЛОВ ҳикоя қилади:

— Халқаро кўргазма-савдо мобайнида республикамиз бўйича тузилган шартномаларнинг молиялаштириш манбалари билан қизиқдик. Маълумотларга қараганда, шартномаларни ўз маблағи ҳисобидан имзолаганлар ичида қашқадарёликларга етадигани бўлмабди: жами 702 та ҳужжатнинг 65 таси уларнинг ҳиссасига тўғри келибди.

Ўз маблағи ҳисобига учта шартномага қўл қўйган фермерлардан бири Ғузор туманидаги «Шоймардон бобо Пўлат ўғли» фермер хўжалиги раҳбари Ғайрат Пўлатовдир.

Ғайрат Пўлатовнинг асли касби — иқтисодчи. У қишлоқ хўжалигида, айниқса, деҳқончиликда ишлатиладиган техника воситаларининг аҳамиятини яхши билади. Ғайрат ака тадбиркорлар ва фермерларни шундай воситалар билан таъминлаш борасида имкониятлар яратиб берилганлиги учун Юртбошимизга миннатдорчилик изҳор қиларкан, жумладан, шундай деди: «Киройи тадбир бўлди ўзиям!» — бу фақат менинг фикрим эмас, Тошкентга бориб, кўргазмада қатнашган 300 дан ортиқ қашқадарёликнинг сўзлари. Мазкур тадбир ҳаммамиз учун яхши бир мактаб бўлди. Биз фақат экспонатларни кўздан кечирибгина қолмасдан, балки қишлоқ хўжалиқ техникаси, энг муҳими, мини технологиялар тараққиёти ҳақида энг сўнгги маълумотларга ҳам эга бўлдик. Кўргазма ташкилотчилари ҳар биримизга мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг имкониятлари ҳақида батафсил тушунтириш бердилар. Шундан кейин менинг ўзим шартнома асосида «ПТД-60А» русумли транспорт трактори, ғўзапояни майдалайдиган машина ва кичик нон заводи ускунасини харид қилдим. Биласизми, улардан бири Беларусда, иккинчиси Туркияда, учинчиси эса Россияда ишлаб чиқарилган. Агар кўргазма бўлмаганида биз уларни олиш учун учта давлатга боришга мажбур бўлар эдик. Ҳаммаси осон кўчди. Шу ернинг ўзида шартномаларни расмийлаштириб, зарур ҳужжатларни тайёрладик».

Бирйўла иккита техника ва битта технология сотиб олиш учун, албатта, фермер иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши керак. «Шоймардон бобо Пўлат ўғли»» фермер хўжалиги 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, 330 гектар ери бор. Шундан 175 гектарида деҳқончилик қилинади. Бу йил 20 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олинган бўлса, 120 гектар майдондаги уруғлик пахтанинг ҳосилдорлиги эса 41 центнерни ташкил этди. Яъни, ғалла ва пахта тайёрлаш бўйича шартнома режалари 2 ҳисса ошириб бажарилди. Даромад ҳам шунга яраша: соф даромад 120 миллион сўм бўлди.

Ғайрат Пўлатовнинг ғурур билан таъкидлашича, унинг фермер хўжалигида илгари 17 та техника воситаси мавжуд бўлиб, бари ғалла ва пахта етиштириш учун мўлжалланган эди. Энди улар қаторига яна иккита янги техника ва бир дона технология ҳам қўшилди. Бу кифоя эмас. Ҳисоб рақамида маблағи бор. Бу йил гўшт, сут ва мевани қайта ишлайдиган ускуналарни ҳам сотиб олмоқчи. Мақсад фермер хўжалигида етиштирилган мева-сабзавотлар ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш, ҳатто уларни чет элларга экспорт қилишдир.

Ҳа, яхши ишлаб, яхши даромад олаётган фермер бугун қўлини қаёққа узатса етадиган кун келди.

Четга чиқишга ҳожат қолмади

Наманганлик мухбиримиз Қудратилла НАЖМИДДИНОВ ёзади:

— Кўргазма-савдога Наманган вилоятидан 258 нафар фермер ва тадбиркор борган эди. Улар томонидан имзоланган 17 миллиард 542 миллион сўмлик ҳажмдаги 779 шартноманинг 14 миллиард сўмлиги қишлоқ хўжалик техникаси ва мосламалари, автотранспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, фермерларимиз кўплаб миқдорда ўз маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари, чорвачилик ва иссиқхона хўжалиги учун махсус техникалар сотиб олдилар. Буларнинг ҳаммаси қишлоқда кичик бизнесни юксак даражага кўтариш, янги мулкдорларнинг имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Масалан, Янгиқўрғон туманидаги «Зангиер» фермер хўжалиги раҳбари Мирзаабдукарим Рўзиев шу йил баҳорда Тошкентда очилган кўргазмада голландияликлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб, 90 минг 270 долларлик картошка уруғини сотиб олган эди. Уни 40 гектар майдонга экиб, гектар ҳисобига 45 тоннадан ҳосил етиштирди. Ялпи даромад эса 400 миллион сўмдан ошди. Энг муҳими, келгуси йил учун 200 гектар майдонга етадиган сара уруғлик ҳам жамғариб қўйилди. Қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосидан эса у иккита йирик шартнома тузиб қайтди. Биринчиси, Хитойда ишлаб чиқарилган қуруқ меваларни қайта ишлаш заводи. Қиймати 242900 АҚШ долларига тенг бўлган бу технология ёрдамида соатига 3-5 тонна хомашёни қайта ишлаш мумкин. У ишга туширилгач, ойига 300 тонна ёки 360 минг долларлик тайёр маҳсулотни хорижга экспорт қилиш имконияти яратилади. Иккинчиси, Россиянинг Рязань шаҳри машинасозлари ҳавола этган 4 миллион 800 минг сўмлик мини технология. Бу илдиз мевали маҳсулотларни тозалаш ва қадоқлашда қўл келади. Ҳар икки харид лизинг асосида расмийлаштирилди.

Наманган туманидаги «Абдубанно» фермер хўжалиги бошлиғи Абдуғаффор Исломовга кўргазмага қўйилган техникалар ичида Германия-Россия ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган ғалла ўрувчи «Клаас» комбайни маъқул тушди. Нархи 121 миллион сўм экан. Шунча маблағни «Пахтабанк» берадиган бўлди. Банк кредити беш йил давомида қайтарилади. Бунга қадар янги техника ўзини ўзи қоплаши турган гап.

Норин туманилик фермер Абдувоҳид Абдувалиев эса «EL-150» русумли моторроллерни сотиб олиш учун ўз маблағи ҳисобидан шартнома имзолади. Ўзимизнинг Самарқандимизда йиғилган бу ихчам транспорт айни фермер учун мўлжалланган. Сабаби, юз километр масофага бор-йўғи 2,8 литр бензин сарфлайди, 650 килограмм юк кўтаради.

Орзулар рўёби

«Халқ сўзи»нинг Фарғона вилояти бўйича мухбири Набижон СОБИР хабар қилади:

— Халқаро кўргазма-савдо шарофати туфайли фарғоналик фермерлар шартнома асосида турли русумдаги 219 та трактор, 178 та қишлоқ хўжалик ускунаси, 30 та комбайнга эгалик қиладиган бўлдилар. Олтиариқ туманидаги «Одилжон» фермер хўжалиги раҳбари Одилжон Ҳикматов — шулардан бири. Бу фермернинг экин майдони — 350 гектар. Жорий йилда 245 тонна пахта, 260 тонна ғалла сотди. Агар ана шу ҳосилдан келадиган даромадга ўзининг муқобил машина-трактор паркидаги техникалари хизматидан тушадиган маблағ ҳам қўшилса, соф фойда 200 миллион сўмга етиши кутилаяпти. Шу боис у кўргазма-савдо кунлари битта ғалла ўрадиган «Клаас» русумли комбайн, 3 та қатор ораларига ишлов берадиган ва бир дона «Беларусь» тракторини сотиб олиш юзасидан шартномалар тузди. Шартномаларнинг умумий қиймати эса 210 миллион сўмдан ортади. Демак, маблағни қоплаш масаласида муаммо бўлмайди ҳисоб.

— Фурқат туманидаги «Умидпарранда» масъулияти чекланган жамияти раиси Умаржон ҚЎЧҚОРОВ эса тугатилаётган ширкатлардан бирининг эски биносини сотиб олиб, уни парранда парваришлашга мослаштирган. Ҳозир уларнинг бош сони 7 мингтани ташкил этади. Соҳани саноат усулига ўтказиш учун, албатта, замонавий ускуналар керак. Бу ният «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган кўргазма-савдода рўёбга чиқди: Украинанинг «Техна» компаниясида ишлаб чиқарилган инкубаторни сотиб олиш бўйича келишув баённомасига имзо чекди.

Қарангки, ана шу тўрт қаватли замонавий ускуна товуқларни автоматик усулда озиқлантиради, суғоради, тухумларни эса ярим автомат ҳолатида саралайди. Унинг яна бир афзаллиги шуки, ҳозир 3 мингта товуқ парваришланаётган бинода 10 мингтагача товуқ боқиш имконияти туғилади.

Саъй-ҳаракатларга ҳимоят, изланишларга қувват, режаларга рағбат

Сурхондарёлик мухбиримиз Олимжон УСАНОВнинг ёзишича, *кўргазма-савдо бу вилоят фермерлари ва тадбиркорларининг бугунги саъй-ҳаракатларига ҳимоят, изланишларига қувват, режаларига рағбат бахш этди. Улар томонидан жами 22 миллиард 696 миллион сўмлик 700 та шартнома, 64 та келишув баённомаси ва 128 та буюртма расмийлаштирилгани шундан далолат беради. Хусусан, «Шўрчи дон маҳсулотлари» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари Ҳасан Нурматов қиймати 153 минг евро турадиган ва кунига 500 килограмм гўштни қайта ишлайдиган, шунингдек, 82 минг евро миқдоридаги сутни қайта ишловчи технологияларни сотиб олиш бўйича исроиллик ишбилармонлар билан шартнома имзолади. Бунинг учун республика «Ғаллабанк»и кредит ажратадиган бўлди. Бундан ташқари, ана шу жамият ўз маблағи ҳисобидан Эроннинг қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 30 минг АҚШ долларилик цехини харид қилиш юзасидан келишув баённомасини тузишга ҳам эришди.*

Ҳисоб-китобларга кўра, 2007 йилнинг биринчи чорагида ҳар учала технология ишга туширилади. Ана шунда корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар кўпаяди, ўнлаб янги иш ўринлари яратилади.

Бундай ижобий далилларни барча минтақалардан яна кўплаб келтириш мумкин. Нега деганда, 20 кун давом этган ва дунёнинг 25 мамлакатидан қарийб 200 та компания маҳсулотлари намойиш қилинган халқаро кўргазма-савдо жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва кичик корхоналарнинг 3849 нафар раҳбари иштирок этиб, улар жами 197 миллиард 586,1 миллион сўмлик 6944 та ҳужжатни имзоладилар. Бу — яқин орада республикамизда замонавий мини технологиялар ва ихчам ускуналар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган янги-янги корхоналар барпо қилинади, аҳолининг бандлик даражаси ортиб, даромадига-даромад қўшилади, юртимиз иқтисодиёти янада ривожланиб, унинг экспорт салоҳияти юксалади демак. Зеро, Юртбошимиз кўргазмага ташриф буюрган чоғида таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлардан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдан кўзлаган бош мақсадимиз — одамларда ерга, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш орқали халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат.

Сўнгги гап. 10 ноябрдан бошлаб кўргазма мини технологиялар ва ихчам ускуналар сотиладиган доимий фаолият юритувчи кўргазма-савдо сифатида ўз ишини давом эттирмоқда. Бу эса фермерлар ва тадбиркорларимизга келгусида ҳам мини технологиялар ҳамда ихчам ускуналарни харид қилиш учун қулай имкониятлар яратиб беради.

Икром ЎТБОСАРОВ.

Ўзбекистон Конституцияси — барқарорлик, тинчлик ва хотиржамлик гарови

Мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 14 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Японияннинг расмий, жамоатчилик доиралари вакиллари, эксперт ва таҳлилчилар ҳамда маҳаллий журналистлар иштирок этди.

Тадбирда қатнашчилар Конституциямиз асосий қоидалари, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари билан танишдилар.

Нагоя университети Ҳуқуқшунослик факультетининг тадқиқотчилик бўлими профессори Хидеки Мото Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан илгари сурилган мазкур қонунларнинг лойиҳалари Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш ва фаоллаштириш, шунингдек, мамлакатда демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришга йўналтирилганини қайд этди.

Х.Мото фракциялар, ҳукуматни ёқловчи ҳамда муҳолифатдаги партиялар фаолияти мазкур қонун лойиҳаси асосида турганлиги демократия тамойиллари нуқтаи назаридан жуда муҳим эканини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрича, сиёсий платформаси қандай бўлишидан қатъий назар, фракциялар ва сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро муносабат қоидалари қонун асосида кафолатлангани халқ хоҳиш-иродасини акс эттирадиган демократиянинг муҳим тамойилига содиқлик намунасидир. Бунда муҳолифатдаги партиялар ҳуқуқларининг кафолати қонун билан таъминланиши жуда муҳимдир.

«Никкей Шимбун» газетаси мухбири Ёхеи Ишикаванинг фикр билдиришича, Ўзбекистонда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисидаги қонун қабул қилинишини Япония томони табриклайди. Бу нафақат сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигини оширишнинг, балки мамлакатдаги демократик ислоҳотларни янада жадаллаштиришнинг ҳам асосидир.

«Tokyo Cinema» кинокомпанияси президенти Окада Кадзуо эса Ўзбекистон Буюк Ипак йўли цивилизациясининг Марказий Осиё минтақаси маданияти ва саноати ривожидаги меросхўр давлати сифатида етакчи роль ўйнашини айтди. Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи қатор ҳужжатли фильмларнинг ҳаммуаллифи бўлмиш мазкур кинорежиссёрнинг фикрича, мамлакатдаги барқарорлик, тинчлик ва осойишталикнинг шарофати боис бугунги Ўзбекистонда маданий меросга нисбатан ҳавас қилса арзийдиган муносабат мавжуд. Бу эса республика Асосий қонунидаги конституциявий меъёр ва қоидалар жамият ҳаётида мустаҳкам асос сифатида ўз ифодасини топаётганидан далолатдир.

А. ҚЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Токио.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 19 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	968,32	1 Польша злотийси	428,44
1 Англия фунт стерлинги	2421,92	1 СДР	1861,63
1 Дания кронаси	217,80	1 Туркия лираси	869,24
1 БАА дирҳами	337,50	1 Швейцария франки	1015,92
1 АҚШ доллари	1239,53	1 ЕВРО	1622,67
1 Миср фунти	217,06	10 Жанубий Корея вони	13,44
1 Исландия кронаси	18,06	10 Япония иенаси	104,99
1 Канада доллари	1071,15	1 Россия рубли	47,08
1 Хитой юани	158,43	1 Украина гривнаси	245,45
1 Малайзия рингити	348,92		

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Газетамизнинг шу йилги 13 май сонида "Танловдаги ғирромлик" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда Каттақўрғон туманидаги М. Султонов номли агрофирмани тугатиш жараёнида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 30-лойиҳа бўйича ўтказилган тендер танловида жиддий хатокамчиликларга йўл қўйилгани ҳақида сўз юритилганди. Шу муносабат билан Самарқанд вилояти прокурори ўринбосари А.ШАМСИҚУЛОВ яқинда таҳририятимизга қуйидаги мазмунда расмий жавоб йўллади:

Жиноят иши судга юборилди

"Вилоят прокуратураси, Бош прокуратура топшириғига кўра, "Танловдаги ғирромлик" мақоласини Каттақўрғон тумани прокуратураси томонидан Абдусалим Бахриддиновга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жиноят иши материаллари билан биргаликда ўрганиб чиқди.

Аниқланишича, "Каттаминг" қишлоқ фуқаролар йиғини котиби лавозимида ишлаган А.Бахриддинов 30-лойиҳа бўйича фермерликка талабгорлардан бири Фахриддин Аллаёров билан олдиндан жиноий тил бириктириб, иккинчи талабгор Неъматилло Мусаевнинг шахсий ёрдамчи хўжалигидаги қорамоллар сони ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаган. Сўнгра уни маълумотномаларни қайд қилиш китобига ёзмасдан, "13.12.2005 йил 105/073" қабилидаги сохта рақамлар киритиб, Фахриддин Аллаёровнинг акаси Раимбердига бериб юборган. Фахриддин ушбу маълумотномани "Неъматилла Мусаев моллари сонини кўпайтириб кўрсатган", дея танлов комиссиясига тақдим этган. Комиссия эса мазкур ҳужжат юзасидан қонуний тўхтамга келмасдан, Н.Мусаев номзодини танловдан чиқариб, ер майдонини Ф.Аллаёровга берган. "Танловдаги ғирромлик"дан сўнг Каттақўрғон тумани прокурори туман ҳокимининг 2006 йил 30 январдаги 160-К сонли ноқонуний қарорига протест киритган.

Жиноят иши бўйича олиб борилган қўшимча тергов ҳаракатлари давомида А.Бахриддиновга Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисми, Ф.Аллаёровга 28,209-модданинг 1-қисми билан айблов эълон қилиниб, иккаласига ҳам эҳтиёт чораси сифатида муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат қўлланилиб, очиқда қолдирилган. Жорий йилнинг 23 майида жиноят иши мазмунан кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон тумани судига юборилган".

Шу азиз Ватан — барчамизники

Республика Байналмилал маданият марказида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" фестивали доирасида ўзбек-татар халқлари санъати кечаси бўлиб ўтди. Унда юртимизда фаолият юритаётган миллий маданиятлар марказлари, хорижий дипломатик корпус ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Тадбирда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни модернизациялаш ва янгилаш, жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ этишда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик тамойилларига қатъий амал қилиб келинаётгани таъкидланди. 1992 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Республика Байналмилал маданият марказининг ташкил этилгани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Мазкур марказ ҳозирги кунда Ўзбекистондаги барча маданиятлар марказлари фаолиятини мувофиқлаштириб келмоқда. Миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатга хос бўлган анъаналар ва урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришда ушбу марказларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Кечада ўзбек ва татар халқлари санъат усталари ижросидаги мусиқий дастур намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Корхона фаолияти кенгаймоқда

Қарши туманидаги "ZAFCO-LTD" Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонаси, мана саккиз йилдирки самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Асосан халқ истеъмоли мо: ari ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонада дастлаб йигирмага яқин киши иш билан таъминланган бўлса, бугун уларнинг сафи 118 нафарга етди.

— Яқинда ишга тушган тикув цехимизда 53 нафар ишчи меҳнат қилмоқда, — дейди корхона раиси жаноб шайх Хуррам. — Улар тайёрлаётган чойшаб, сочиқ ва дастурхонлар харидорларга манзур бўлмоқда. Бундан ташқари, республика ҳукуматининг касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 нафар хотин-қизни уйларида футбол ва воллейбол тўплари тикишга жалб этдик.

Маҳсулотларимиз асосан Қашқадарё, Тошкент вилояти ва пойтахтдаги истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Келгуси йилдан бошлаб эса электр ёритиш жиҳозлари тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

СУРАТЛАРДА: тикувчилар (ўнгдан) Дилноза Хусанова ва Юлдуз Ҳайдарова; янги цехда иш қизғин.

Ш.ШАРОПОВ(ЎзА) олган суратлар.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Эроннинг собиқ президенти Акбар Ҳошими Рафсанжоний яна сиёсатга қайтмоқда. У мамлакатда катта таъсирга эга Экспертлар кенгаши аъзолигига сайланди. Мазкур кенгашнинг 96 нафар аъзоси бўлиб, улар 8 йилга сайланадилар. Ушбу ташкилот Олий диний раҳнамони тайинлаш, унинг фаолиятини назорат қилиш, лозим пайтда, лавозимидан четлатиш ҳуқуқига эга.

Дания пойтахти Копенгагенда намойишга чиққан 300 нафарга яқин одам қамоққа олинди. Улар шаҳардаги ёшлар марказларидан бирининг ёпилишига норозилик билдиришган эди. Намойиш чоғида оммавий тартибсизликлар бошланиб кетди. Полиция билан намойиш қатнашчилари ўртасида тўқнашув содир бўлди. Полиция уларни тўхтатиш учун водамёт ва кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланди.

Халқаро Ярим ой жамиятининг 30 нафар ходими Ироқда гаровга олинди. Гувоҳларнинг айтишича, жангарилар полиция кийимида бўлишган. Жангарилар аёлларга тегишмаган.

Халқаро Қизил хоч қўмитаси гаровга олинганларни зудлик билан озод этишга чақирди. Ушбу хайрия ташкилоти мамлакатда инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган яккаю ягона ташкилотдир. Унинг Ироқдаги доимий ходимлари сони минг нафарга яқин.

Пекинда Шимолий Кореянинг ядровий дастури юзасидан олти томонлама музокаралар бошланди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан расмий Пхеньянга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўллангандан сўнг, Шимолий Корея ташаббуси билан 13 ойлик танаффусдан сўнг музокаралар қайта тикланди.

Фаластин мухториятида яна инқироз бошланди. Жангарилар транспорт ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги биносини босиб олдилар. «ХАМАС» ушбу воқеада Маҳмуд Аббос тарафдорларини айблаб, буни ҳарбий тўнтариш дея изоҳлади. Бир пайтнинг ўзида Маҳмуд Аббос резиденцияси номаълум шахслар томонидан миномётларда ўққа тутилган.

Абхазия Грузияга ўтадиган Гальск туманидаги автомобиль йўлини беркитиб қўйди. Бу ҳақда «Новости-Грузия» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Бундан ташқари, Ингури дарёси устига қурилган кўприк ҳам ёпиб қўйилган.

Покистон шарқидаги қишлоқлардан бирида никоҳ маросими ўтказилаётганда фожиа юз берди. Базму жамшид авжига чиққанда тўсатдан ёнғин чиққан. Дастлабки маълумотларга қараганда, камида 22 нафар киши ҳалок бўлди. Уларнинг аксарияти аёллар ва болалардир.

Кримда умумхалқ референдуми ўтказилди. 58 фоиз сайловчи қатнашган мазкур оммавий тадбирда Украинанинг НАТОга аъзо бўлиб кириши масаласи овозга қўйилди. Референдум якунларига қараганда, Крим аҳолисининг 98 фоизи Украина президенти Виктор Юшченконинг НАТО масаласида юритаётган сиёсатини қўллаб-қувватламайди.



«Файнэншл Таймс» дунёнинг энг қиммат компаниялари рўйхатини эълон қилди. Унда нефть ва газ экспорти билан шуғулланувчи «Saudi Aramco» биринчи ўринни эгаллади. Унинг акциялари жаҳон фонд биржаларида сотилмайди, бироқ Саудия Арабистони ҳукуматига қарашли. Унинг бозордаги қиймати 781 миллиард доллар деб баҳоланмоқда. Иккинчи ўринни «ExxonMobil» эгаллаб турибди. Унинг капитализацияси 454 миллиард долларга тенг.

Европарламент иттифоқнинг 2007 йилга мўлжалланган бюджетини тасдиқлади. Унинг ҳажми 126,5 миллиард еврони ташкил этади. Шундан 115,5 миллиард евро харажатлар учун. Келгуси йилда ҳар бир давлат 4 миллиард евродан олади. 2007 йилда иттифоқ худудида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 56,3 миллиард евро, илм-фан ва таълимни ривожлантириш учун эса 54,9 миллиард евро сарфланиши кутилаяпти. ЕИ ялпи ички маҳсулоти ҳажми 9 триллион еврони ташкил этади.

Гуантанамодан 18 нафар маҳбус озод қилинди. Улар орасида Афғонистон, Ливия, Бангладеш ва Қозоғистон фуқаролари бор. Пентагон вакилининг билдиришича, бундан бир неча кун олдин 16 нафар Саудия Арабистони фуқароси ҳам озодликка чиқарилган. Айни пайтда Гуантанамода 395 нафар маҳбус сақланмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бизнинг шарҳ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан келгуси йил 1 январдан эътиборан ўз ўрнини Жанубий кореялик дипломат Пан Ги Мунга бўшатиб беради. У ўн йил давомида халқаро ҳамжамият фаолиятини мувофиқлаштириб келди. Жаҳонда юз берган турли сиёсий ва ижтимоий инқирозларнинг олдини олишга ҳаракат қилди.

АННАННИНГ АРМОНЛАРИ

Хусусан, бу йиллар ичида НАТО кучлари Югославияни бомбардимон қилди. 2001 йилнинг 11 сентябрь куни АҚШда бир неча минглаб бегуноҳ одамлар ўлимига сабаб бўлган террорчилик хуружи рўй берди. Шундан сўнг халқаро коалиция кучлари Афғонистон ва Ироққа бостириб кирди. Қизиғи шундаки, АҚШ бошчилигида халқаро терроризмга қарши кураш байроғи остида ўтказилган ҳарбий амалиётлар алалоқибат аксинатижа билан якунланди. Унинг аянчли оқибатлари яна бир неча ўн йилларга татиши тахмин қилинмоқда. Деярли ҳар куни Ироқ ва Афғонистонда рўй бераётган отишмалар ва портлашлар ўнлаб айбсиз одамлар ўлимига сабаб бўлмоқда.

Дарфурда юзага келган этник ва диний зиддият 200 минг нафардан кўпроқ одамнинг ёстиғини қуритди. 2 миллиондан ортиқ одам ўз уй-жойини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Исроил Ливанда кенг кўламли ҳарбий амалиётлар ўтказди. Пировардида иккала томон ҳам катта зарар кўрди. Беҳудага қон тўкилди. Қуролли тўқнашувларни кузатиб борган энг эўр таҳлилчилар ҳам ҳалигача бу урушда ким ғолиб бўлганини аниқ айта олмаяпти.

Бу каби тарихий хатоларни тузатишда БМТнинг ҳеч бир ижобий таъсири сезилмади. Фақатгина, айрим гегемон давлатлар халқаро ташкилот таъсирида ўз чегараларидан минг-минг километрлаб олисда жойлашган мамлакатлардан миллий манфаатларини излашда фойдаланишга уриниб келишди. Ачинарлиси, бу ҳол ҳали ҳам давом этмоқда.

Шунга қарамай, Кофи Аннаннинг халқаро ҳамжамиятдаги раҳбарлик фаолияти даврида у Нобель мукофотига лойиқ деб топилди. Ўтган ҳафтада Бош котиб АҚШнинг Миссури штатидаги Трумэн музейида ўзининг омма олдидаги сўнгги чиқишини қилди. Аннан йиғилишда ўтган ўн йил давомида ўзи учун муҳим хулосаларга келганини таъкидлади. Африкалик етакчи чиқарган хулосаларининг қисқача мазмуни қуйидагилардан иборат:

— Биз ҳаммамиз умумий хавфсизлигимизга масъулмиз, — деди Аннан. — Оммавий қирғин қуроллари кенг тарқалаётган, иқлим кескин ўзгараётган, турли эпидемиялар дунё бўйлаб ёйилаётган ва террористик гуруҳлар фаоллашаётган бир шароитда ҳеч бир миллат ўзи мустақил тарзда миллий хавфсизлигини таъминлай олмайди. Фақат умумий хавфсизлик йўлида ҳамкорликда иш олиб борилгандагина узоқ муддатли барқарорликка эришиш мумкин. Одамларни геноцид, ҳарбий жиноятлар, этник зиддиятлар ва инсониятга қарши хуружлардан асраш учун ҳар биримиз ўзимизни масъул ҳисоблашимиз керак. Ўтган йилда ўтказилган БМТ саммитида бу борада аъзо давлатлар раҳбарлари масъулиятни ўз зиммаларига олишганди. Кундалик ҳаётимизда рўй бераётган қотиллик ва очарчилик, хусусан, Дарфурдаги зўравонликларни кўрганимизда саммитда эришилган келишув номигагина экан-да, деган хулосага келасан киши.

Кофи Аннан хайрлашув нутқида АҚШ маъмуриятининг ташқи сиёсатини танқид қилиб ўтди. Хусусан, Бош котибнинг таъкидлашича, Оқ уй маъмурияти инсон ҳуқуқларини топтамоқда ва «терроризмга қарши кураш» шиори остида кўплаб давлатларнинг ички ишларига аралашмоқда. «...АҚШ ўзининг ғоя ва мақсадларига хиёнат қилса, унинг барча дўстларида саросима ва тушкунлик пайдо бўлади. Қонун тамойиллари ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат терроризмга қарши курашда ҳам сақланиб қолмоғи лозим», деди Аннан.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Оламиздаги одамлар

Истиқлол йилларида Бухоро шаҳри қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Уни анчадан буён кўрмаган киши бугун адашиб қолиши ҳеч гап эмас. Сабаби, бу ерда кейинги йилларда янги-янги замонавий коллежлар, мактаблар, завод-фабрикалар, кенг ва равон йўллар, кўпригу хиёбонлар, боғ-роғлар, улкан спорт иншоотлари барпо этилди.

БУХОРО — БУНЁДКОРЛАР ЗАМИНИ

Айниқса, шўролар даврида нураб, вайронага айланган ўнлаб масжиду мадрасалар, мақбаралар, қадимий обидаларни қайта тиклаш, янгиларини қуриш ишларига эътибор қаратилаётганлиги, хусусан, Бухоронинг етти пир қўним топган муқаддас қадамжоларни боғловчи автомобиль ҳалқа йўлининг барпо этилгани шаҳар аҳлини беҳад қувонтирмоқда. Ҳозир ана шу муаззам ва мукаррам жойлардан зиёратчиларнинг изи узилмайди. Бундай ўзгаришларни кўриб уларнинг дилларида ғурур ва ифтихор туйғулари жўш урмоқда.

Қайд этилган бунёдкорлик ишларида вилоятдаги ўнлаб қурилиш ташкилотлари, қўли гул қурувчиларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

— Бугун вилоятда қад ростлаётган ҳар учта йирик объектнинг биттаси бизнинг аҳил ва иноқ жамоамиз улушига тўғри келаётир, — Галаосиёдаги 47-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор Ахтам Улуғов. — «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» деб бежиз айтилмаган экан. Агар сафимизда ўз ишининг усталари бўлмиш ўнлаб-юзлаб моҳир қурувчилар, муҳандис-техник ходимлар бўлмаганида, эҳтимол, шунчалик улуғвор вазифаларни бажаролмаслигимиз аниқ эди.

Сардор ҳақ. Бугунги кунда бу жамоада 500 киши меҳнат қилмоқда. Уларга кўпчиликнинг ҳаваси келади. Чунки ана шу қурувчиларнинг кўз нури, қалб ҳарорати, азму шижоати билан қад ростлаётган ҳар объект бамисоли мўъжизавий кошонани эслатади. Бари ўз қиёфасига эга — шаклі шамойили, ўзгача меъморий услубда тикланганди. Бухоро шаҳридаги юридик коллежи, Чорбакрдаги 728 ўринли мактаб, «Дўстлик»даги 630 нафар ўқувчига мўлжалланган илм масканы, Пешкудаги тиббиёт коллежи, Лошадаги 35-мактаб биноси, Афшонадаги Ибн Сино музейи шулар сирасига киради.

Хайрулла Кенжаев — жамланма ғишт терувчилар бригадасининг бошлиғи. Унинг шахсий ибрати, жонкуярлиги, тиниб-тинчимаслиги ҳамма ҳамкасбларига ибрат бўлаётир.

— 47-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма жамоасига касб-ҳунар билим юртини битирганимдан кейин ишга келганман, — дейди бошқа ғишт терувчилар бригадасининг етакчиси Чори Муродов.

— Билим юртида олган назарий билимим ва амалий кўникмаларим бу ерда жуда асқотди. Аммо асосий ишни устозим Хайрулла ака Кенжаевдан ўргандим. Ҳамроқул Ҳамроев, Амрилло Болтаев, Ўктамжон Абдуллаев сингари тенгқурларим ҳам устозимнинг шогирдлари ҳисобланади. Ҳозирда улар билан биргаликда бақамти иш юритаяпмиз.

— Фойдаланишга топширилган бирор-бир бинони Хайрулла Чориевичнинг бригадаси хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди, — дея суҳбатга қўшилади касаба уюшма қўмитасининг раиси Шуҳрат Норов. — Шу боис Мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан, Хайрулла Кенжаев «Шуҳрат» медали билан мукофотлангани ҳаммамизни қувонтириб юборди.

Эл назарига тушмоқ саодат, дейдилар. Биз ҳикоя қилган 47-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари шундай инсонлар тоифасидан, десак муболаға бўлмайди. Айни кунларда улар янгиянги қурилиш объектлари лойиҳаларини амалга ошириш билан банд.

Қўлларингиз дард кўрмасин, бунёдкорлар!

Усмон НАВРЎЗ,
журналист.

ДСҚ Ахборот хизмати хабар қилади

Қинғирликнинг умри қисқа

Андижон шаҳар ва Олтинкўл туман ДСИ ходимлари томонидан «Меҳмон» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконида қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Шу жараёнда кирим ҳужжатларисиз, умумий қиймати 146600 сўмлик 68 шиша ароқ ва умумий қиймати 106200 сўмлик 56 шиша коньяк савдога чиқарилгани аниқланди. Улар далилий ашё сифатида олиниб, дўкон мудири А.Ражабовга нисбатан Жиноят кодексининг 190-моддаси 1-қисмига асосан жиноят иши қўзғатилди.

Ака паноҳидаги сингил

Ғаллаорол тумани ДСИ, туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК бўлими, туман МХХ, туман ИИБ ходимлари биргаликда ўтказган қисқа муддатли текшириш асноси «Бахт» маҳалласидаги яширин цех фаолиятига чек қўйилди. Наргиза Қаршибоева акаси Олмос Қаршибоевга тегишли хонадонда қўлбола усулда ароқ тайёрлаш билан шуғулланаётгани маълум бўлди. Сохта тадбиркордан 216 минг сўмлик 108 литр спирт, 190 минг сўмлик 190 шиша ҳар хил қўлбола ароқ, 33 минг 600 сўмлик 48 шиша вино, 390 дона акциз маркаси, 400 дона ёрлиқ, 889 дона қопқоқ, 820 дона полиэтилен тиқин, 2 дона ароқ ёпиш ускунаси далилий ашё сифатида олиниб, унга нисбатан жиноий иш очилди.

Тамакифурушнинг ҳоли вой

Бешариқ тумани, Яккатут қишлоғида яшовчи А.Одиловга тегишли «Мерседес-бенц» автомашинаси Қўқон шаҳар ДСИ ходимлари режалаштирган рейд жараёнида кўздан кечирилганида, унда 19 турдаги 4 миллион 526 минг 980 сўмлик матолар ва калишлар бирон-бир ҳужжатсиз сотиш мақсадида олиб кетилаётгани аниқланди. Ноқонуний хатти-ҳаракат юзасидан суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

«Замонавий» тадбиркорнинг сири

Марғилон шаҳар ДСИ ходимлари томонидан «Маргранд» хусусий фирмасига қарашли дўконда ўтказилган қисқа муддатли текширишда 340 шиша қалбаки акциз маркали «Пшеничная» ароғи сотилаётгани, бундан ташқари, фирма раҳбари И.Мўйдиновнинг уйида очилган яширин цехда 500 минг сўмлик «Пшеничная» ароғи, 128 минг сўмлик «Портвейн» виноси савдога чиқариш учун тайёрлаб қўйилгани, 150 минг сўмлик 75 литр спирт, 96 минг дона акциз маркаси, бир қанча ёрлиқ ва қопқоқлар борлиги аён бўлди. Хонадонда акциз маркаларини кўпайтириш мосламалари ҳам мавжуд экан.

Қонунбузарликнинг оқибати тайин. И.Мўйдинов ҳадемай қонун олдида жавоб беради.

Кўкалдош кўчасидаги яширин цех

Қўқонлик солиқчилар шаҳар ИИБ, МХХ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бирга ўтказган рейд давомида яна бир қонунбузарликнинг пайи қирқилди. Кўкалдош кўчасида яшовчи Б.Умаров ўз уйида ташкил этган яширин цехдан 200 литрдан зиёд этил спирти, 60 литр спирт маҳсулотлари ва тайёр ароқ, бўш шишалар, қопламалар, қопқоқлар, акциз маркалари топилди. Шунга кўра, ҳуқуқбузарга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Атторлик унда, савдоси бунда

Фуқаро Н.Ғаниев Тошкент шаҳрининг «Карвон» бозори ҳудудида савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномасиз фаолият кўрсатаётган, хорижда ишлаб чиқарилган салкам 2 миллион сўмлик 37 тур ҳужжатларсиз атторлик маҳсулотларини савдога чиқарган экан. Унинг ноқонуний фаолиятига учтепалик солиқчилар барҳам беришди.

ДСҚ Ахборот хизмати.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 23 январь куни соат 11.00да «Ўзбекистон банклари ассоциацияси» биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. *Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 11 декабрдаги 17980/6-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, «Себзор» автомобиллар сақлаш жарима майдончасида сақланаётган, Қозоғистон Республикаси давлат рақами X277KOM бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «МЕРСЕДЕС-БЕНЦ 280» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №10494212011397, кузов №WDB1240281D940033, оқ рангли).* **Бошланғич баҳоси — 13 000 000 сўм.**
2. *Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 11 декабрдаги 17981/6-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, «Себзор» автомобиллар сақлаш жарима майдончасида сақланаётган, Қозоғистон Республикаси давлат рақами X179NBM бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган «BMW 525» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №256K125936769, кузов №WBAHC11020BC56031, қора металик рангли).* **Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.**
3. *Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 14 июлдаги 10-0610/5992-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент вилояти Зангиота тумани, Ўзгариш ҚФЙда жойлашган «RAHMAT-NIF» ХХКга тегишли 2 қаватли, умумий майдони. 449,27 кв.м. бўлган маъмурий биноси.* **Бошланғич баҳоси — 67 488 000 сўм.**

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни Тошкент шаҳар, С.Раҳимов ёки М.Улуғбек туманлари суд ижрочилари бўлинмаси вакиллари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы охраны периметров
Навигационные системы
Системы контроля доступа
Охрана трубопроводов
Безопасность перевозок
Контроль местонахождения транспортных средств
Контроль расхода топлива

Geoquip WORLDWIDE

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15, Факс 367-00-68,
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,
лицензия КМ №000390 (проектирование).

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Боқий қадрият

Навоий ўз асарларида Ҳиротнинг фозил зотларидан бири, мўътабар олим Хожа Абдуллоҳ Ансорийни ҳурмат билан тилга олади. Пок тийнатлилик, ўз эътиқодига садоқат, имону инсофда унинг ҳаммага ибрат бўлганини таъриф этади.

НАВОИЙ УЛУҒЛАГАН ЗОТ

Хожа Абдуллоҳ Ансорий 1006 йилда Ҳиротда дунёга келган. Унинг болаликдан зеҳни ўткир, хотираси кучли бўлган экан. Бунга ўша даврдаги машҳур муфассирлардан бири Хожа Яҳё Аммор аҳамият берган. У тўрт яшар Абдуллоҳ тўғрисида унинг ҳамюртлари куҳандизлиғларга, Абдуллоҳни азиз тутингки, андин имомлиғ келур, деган. Абдуллоҳ ўша вақтларда Хожадан тазкира ва тафсир илмини ўрганмоқда бўлган. У тўққиз ёшида имлони тўла эгаллаган. Ўн тўрт ёшида араб тилида шеърлар ёзар эди. Қўлига қалам олиб, нени ёзса, хотирида қолур эди. Жуда кўп ҳадисларни, шеърларни ёддан билган.

Хожа Абдуллоҳ Ҳирот ва Нишопур шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсил олган. Фиқҳ (қонуншунослик)ни тўла ўрганган. Балх, Нишопур, Тус ва Бистом шаҳарларида ҳам яшаб, икки мартаба Ҳаж зиёратига борган. Каломга оид илмларнинг моҳир билимдони бўлиб, бу соҳада ўз илмий муҳолифлари билан қизғин баҳслар олиб борган.

Ансорий тасаввуф (сўфизм)ни замони билан мослаштириш, шариат ва тариқат орқали ҳақиқатга эришмоқни ташвиқ этарди. У халқпарварлик ва инсонпарварликни тинмай тарғиб этган. Зулм ва золимларни, риёкор, товламачи, қаллоб шахсларни қаттиқ танқид қилган. Асарларини араб ва форс тилларида ёзган. Улар орасида «Илоҳийнома», «Қаландарнома», «Канзул соликийн», «Зодул мусофирийн» ва бошқалар кенг шуҳрат топган. Яна «Юсуф ва Зулайҳо» мазмунини наср билан баён этган асари борки, у форсийзабон адабиёт тарихида алоҳида ўрин тутади ва «Анисул муридийн ва шамъул мажолис» («Муридларнинг дўсти ва йиғинлар қуёши») деб аталади. Олимни Ҳиротнинг пири ва шайхул исломи дердилар. У 1088 йилда вафот этган. Оромгоҳи Ҳирот шаҳридадир.

Навоий «Ҳайратул аброр», «Насоимул муҳаббат» асарларида чинакам эътиқод аҳли, инсофли, ҳурматга сазовор зотларни таъриф айларкан, уларнинг «силкибон эл яхши ёмонига енг, айлаб улус йўқию борини тенг» — халққа хизмат қилмоққа жону дили билан берилган эканликларини таъкидлайди. Ана шундай зотлардан бири деб Ансорийни кўрсатади. Бу кишини бутун Ҳирот аҳли «дема Ҳирот аҳли, бори коинот» қибла деб биларди. У имон ва эътиқодда ўта самимий ва садоқатли бўлган. Унинг шиори бундай эди:

Менки, ишим бўлди парастиш мудом
Бийму умид иккиси бўлмиш ҳаром...
Қил, дедиким, қилмоқ эрур варзишим,
Радду қабули илə йўқ ҳеч ишим.

Маъноси: Менинг ишим (худога) талпинмоқдир. Бу доимий машғулотим. Кўрқув ёки бирор нарсага умид боғламоқ менга ҳаромдир. Менинг одатим у қилгин деган ишни қилмоқдан иборат. Қилганларимни қабул этадими ёки йўқми, бу билан ҳам менинг ишим йўқ.

Демак, инсоннинг эътиқоди, бу эътиқодга садоқати юрак, қалб фармони билан амалга ошади; бирор ғараз, таъма ва умид туфайли эмас. Бу садоқат ўчмас ва доимий. Унинг қабул этилмоғи ёки рад қилинмоғи ҳам бу шахсни қизиқтирмайди. У ўз эътиқодига садоқатда қойим. Ансорий Навоий тасвирида ана шундай зотлардан эди.

Ансорийнинг «Манозилус сойирийн» («Саёҳатчиларнинг манзиллари») деб номланган икки асари бор. Улардан бири араб, иккинчиси форс тилида ёзилган бўлиб, бир неча бўлимлардан иборат. Бўлимлар мавзу эътибори билан бир-бирига унчалик боғлиқ эмас. Мазкур асарлар, гарчи насрда эса-да, ғазал, рубоий каби шеърларга ҳам эга. Насрий бўлаклар қисқа-қисқа, улардаги жумлалар ўзаро қофиядошдир.

Олим ушбу асарларида тасаввуф аҳлининг мақсади тавҳид (Оллоҳ билан бирлашув) тўғрисида сўз юритади. Бундай бирлашув Оллоҳнинг айтганларига қулоқ осмоқ ва амалга оширмоқдадир. Ҳамиша бир нарсанигина (яъни Оллоҳни) билмоқ ва кўзда тутмоқликдадир.

1499 йил баҳорида Навоий Машҳаддан Марв шаҳарига борди. Сарахс яқинида султон Ҳусайн Бойқаронинг қўшини Марв қамалини тўхтатиб, бошқа томонга йўл олгани маълум бўлди. Шунда Навоий султон Ҳусайн билан унга қарши турган томонни яраштирди. Марвда тинчлик ўрнатилди. Султон Ҳусайн бундан мамнун бўлиб, Навоийга миннатдорлик изҳор этди, уни турли эҳсонлар билан сийлади. Шунда Навоий ўзини Ансорийнинг мозоридаги жорубкашлик вазифасига тайинлашини сўради. Жорубкаш ҳозирда бизнинг тушунчамизга кўра ҳомийга тўғри келади. Султон Ҳусайн бу илтимосни қабул этди ва Навоийга шу тўғридаги ёрлиқни топширди. Навоий Ҳиротга қайтиб, Ансорийнинг Гозургоҳ деган ерда жойлашган мозори ёнида Ҳиротнинг улуғ сайидлари ва шайхлари учун ош берди. Мозорни обод этиб, бу даргоҳда хизмат қилувчиларга иноъому эҳсонлар бағишлади. Кейинчалик эса хонақоҳ қурдирди. Бул муборак жойда ҳамиша ҳамма хосу ом учун турли-туман таомлар тайёр бўларди.

Ҳар доим элу юрт хизматида бўлган Ансорийни Навоий эзгулик, хайрли ишларда ибрат қилиб кўрсатар, унинг нурли хотирасини юксак даражада қадрлар эди.

Азиз ҚАЮМОВ,
академик.

Спорт

КЎЗЛАНГАН МАРРА ЗАБТ ЭТИЛДИМИ?

Осиё ўйинлари якунларига доир

Вақтни оқар дарёга менгзашади. Қаранг, ҳаш-паш дегунча ўн беш кун ҳам ўтиб кетибди. Декабрь ойининг биринчи ўн беш кунлигида Қатар пойтахти Дохада ўтган XV Осиё ўйинларини барчамиз диққат билан кузатиб бордик. Бугун биз шуни ишонч билан айта оламизки, ўзбек спортчилари қитъа Олимпиадасида ўз олдиларига қўйган мақсадларига эриша олдилар.

Хабарингиз бор, қитъа Олимпиадасида 243 нафар вакилимиз 30 спорт тури бўйича қатнашиб, 11 та олтин, 14 та кумуш, 14 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида 7-поғонадан жой олишди. Осиё ўйинларида боксчиларимиз 3 та олтин, 1 та кумуш , 2 та бронза, академик эшкак эшишдан 2 та олтин, эркин ва юнон рум кураши бўйича 2 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 2 та олтин, 4 та кумуш, 2 та бронза, каратэ бўйича 1 та олтин, енгил атлетика бўйича 1 та олтин, 4 та кумуш, велоспорт ва таэквондо (ВТФ)дан 1 тадан кумуш, дзюдо бўйича 4 та бронза, теннис, оғир атлетика ва трамполиндан 1 тадан бронза медаллари қўлга киритилди.

Айниқса, ўзбек бокс мактаби тарбияланувчилари эришган натижалар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Йигитларимиз умумжамоа ҳисобида қитъада тенгсиз эканлигини яна бир бор исботладилар. Эркин ва юнон-рум кураши, академик, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, енгил атлетика бўйича қўлга киритилган медаллар салмоғи ҳам юқори бўлди. Демак, бу ана шу номлари қайд этилган федерацияларда ишлар яхши йўлга қўйилганидан далолат. Янада юқори натижалар қўлга киритилиши мумкин эди. Фақат, шахмат, бадиий гимнастика, синхрон сузиш каби спорт турларида спортчиларимизда совринли ўринлардан жой олиш учун озгина омад етишмади. Миллионлар ўйини футбол бўйича ҳам мусобақаларни йигитларимиз яхши бошлашган эди. Гувоҳ бўлганингиздек, йигитларимиз гуруҳ босқичини юз фоизлик натижа билан якунлашди. Чорак финалда Ироқ терма жамоаси футболчиларининг «актёр»ликлари, ҳакамнинг қўпол хатолари ва жамоавий ўйин етишмаслиги вакилларимизга бироз панд берди, холос. Натижада мусобақа якунида айнан Ўзбекистондан енгилган Қатар терма жамоаси чемпион бўлди. Нима бўлганда ҳам, футболчи йигитларимиз эришган натижалардан қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Рауф Инелеев шогирдлари мазмунли ўйинлари билан Осиё ўйинларини безашди. Александр Гейнрих тўпурарлар рўйхатида пешқадамлик қилган бўлса, қатор футболчиларимиз Осиё ўйинларининг кашфиётига айланишди. Энди Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарларига бир таклифимиз бор. Ана шу жамоа сақлаб қолинган ҳолда келгуси йили бўладиган Осиё чемпионатига жалб этилса (терма жамоамизда таркиб тез-тез ўзгариб туради), ўйлаймизки, келгусида кутилган натижаларга эришилади.

Бир вақтлар иккинчи даражали нигоҳ билан қараладиган Осиё қитъасида ҳам спорт жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Бугун Хитой, Жанубий Корея, Япония мамлакати вакиллари дунё миқёсида ўтказиладиган спорт беллашувларида доимо пешқадамлар сафида юришади. Ўзбекистонлик спортчилар ҳам дунё ареналарида ўз сўзига эга бўлиб бормоқда.

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли— «Универсиада», «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» оммавий спорт ўйинлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши натижасида юртимизда кўплаб спорт иншоотлари ташкил этилди. Спорт билан мунтазам шуғулланиш учун шароитлар етарли. Афсуски, мана шу имкониятлардан етарли фойдаланила олинмаяпти.

Фикримизни Осиё ўйинларида айрим спорт турлари бўйича жуда паст натижаларга эришилгани ҳам исботлайди. Тан олиш керакки, айрим спорт турлари бўйича қатнашган жамоаларимиз вакиллари Осиё ўйинларига худди саёҳатга боргандек бориб келишди. Айниқса, жамоавий ўйинларда қатнашган спортчиларимиз биз кутганидан паст ўйин намойиш этишди. Қўл тўпи (эркаклар, аёллар), баскетбол, сув полоси бўйича терма жамоаларимиз вакиллари ютқазиш бўйича пешқадамликни ҳеч кимга беришмади. Сузиш, қиличбозлик, ушу, ўқ отиш турлари бўйича ҳам яхши натижаларга эришилмади. Ваҳоланки, Осиё ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёнида ҳукуматимиз томонидан барча спорт турлари бўйича зарур шароитлар яратиб берилган эди.

Демак, юқоридаги спорт турларига масъул бўлган кишилар ўз олдиларидаги масъулиятни яхши ҳис қилмадилар. Ҳозир дунё спорт аҳли янги Олимпиада цикли — «Пекин — 2008»га қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Келгуси йилда ўтадиган нуфузли мусобақаларнинг аксариятида Олимпиадага йўлланмалар учун кураш олиб борилади. Бу дегани, энди бор эътиборимизни камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, навбатдаги мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритишга қаратишимиз зарур.

Хўш, кўзланган марра забт этилдими? Албатта, бу саволга мутахассислар ўзларининг фикрларини билдиришади, ҳар бир спорт тури бўйича эришилган натижалар жиддий элакдан ўтказилади. Келажакни кўзловчи таҳлил олдинда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қуйида эътиборингизга ўзбекистонлик спортчиларнинг Осиё ўйинларида эришган натижалар жадвалини ҳавола қиламиз:

	О	К	Б	Спортчилар сони
1994 йил, Хиросима (Япония)	10	7	17	133 нафар
1998 йил, Баңгкок (Таиланд)	6	19	10	168 нафар
2002 йил, Пусан (Ж. Корея)	15	12	24	175 нафар
2006 йил, Доха (Қатар)	11	14	14	243 нафар

Бахмалда янги шифохона

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Бахмал туманининг янги марказий шифохонаси қуриб битказилди.

Шифохонани фойдаланишга топшириш маросимида қатнашган вилоят ҳокими У. Ямонқулов ушбу масканни саккиз ой мобайнида сифатли, кўркам қилиб барпо этган «Бавария» қурилиш фирмаси бунёдкорларига, шифохонани жиҳозлаш ҳамда тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашда ёрдам берган Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига миннатдорчилик билдирди.

Дарҳақиқат, шифохонада ташкил этилган рентген, ЭКГ, лаборатория ва физиотерапия хоналари энг сўнгги русумдаги тиббий асбоблар билан таъминланган. Қурилиш ишларига сарфланган 1 миллиард 268 миллион сўмнинг асосий қисмини ҳомийлар маблағи ташкил этади.

Эътиборли томони, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да вилоят бўйича тиббий масканлар қурилиши, таъмирланишга сарфланиши режалаштирилган 7 миллиард сўмлик иш деярли уддаланди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Российский линолеум

Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 8-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони жамоаси Назорат-ахборот бўлими катта референти Л.А.Кривоноговага онаси
Евдокия Константиновна ПОПОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси Комиссия Матбуот хизмати раҳбари Низомиддин Нурматовга падари бузруквори
НУРИДДИН отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси Психиатрия ва тиббиёт психологияси кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори
Фатхулла Забиҳуллаевич ГОФУРОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА жамоаси агентликнинг собиқ фотомухбири
Равил ШАМСУДДИНОВнинг
вафоти муносабати билан унинг қариндош-уруғларига таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси университет Фалсафа кафедраси доценти Азамат Мухторовга волидаи муҳтарамаси
САОДАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.30 12345